

МУРАТОВ Дониёр Махаматвалиевич
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди
doniyrohoji@mail.ru

ҲАДИСЛАРНИ ШАРҲЛАШ ИЛМИ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ НАУКИ ТОЛКОВАНИЯ ХАДИСОВ

THE HISTORY OF THE SCIENCE OF HADITH INTERPRETATION

Аннотация: Ушбу мақолада ҳадисларни шарҳлаш илмининг тарихи, шаклланиши ва ривожланиши босқичлари таҳлил қилинади. Саҳобий ва тобеийлардан бошланган изоҳ анъаналари, классик шарҳчилар мероси ҳамда илмий усуллар ёритилиб, унинг ислом илмлари тизимидаги аҳамияти очиб берилади. Ҳадисларни шарҳлаш илми ҳақида таъриф ҳамда ҳазирги кунда бу илмнинг муҳим экани кўрсатиб берилган.

Калим сўзлар: шарҳ ал-ҳадис, фикҳ ал-ҳадис, тафсир ал-ҳадис, шорих, ғариб, ғариб ал-ҳадис, ҳадис илми.

Abstract: This article examines the historical development, formation, and main stages of the science of hadith interpretation (sharh al-hadith). It analyzes the early interpretive practices of the Companions and the Followers, as well as the contributions of classical scholars and their methodological approaches. The study also defines the concept of hadith interpretation and highlights its role within the broader framework of Islamic sciences. Particular attention is given to the contemporary relevance of this discipline in modern scholarship.

Keywords: Sharh al-hadith; Fiqh al-hadith; Tafsir al-hadith; Sharih (commentator); Gharib; Gharib al-hadith; Hadith studies.

Аннотация: В статье рассматриваются историческое развитие, становление и основные этапы науки толкования хадисов (шарх аль-хадис). Анализируются ранние интерпретационные практики сподвижников и последователей, а также вклад классических учёных и их методологические подходы. Дается определение науки толкования хадисов и раскрывается её место в системе

исламских наук. Особое внимание уделяется актуальности данной дисциплины в современной научной среде.

Ключевые слова: шарх аль-хадис; фикх аль-хадис; тафсир аль-хадис; шарих (комментатор); ғариб; ғариб аль-хадис; хадисоведение.

КИРИШ

Ҳадисларни шарҳлаш ҳадис илмининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Ҳадисларни шарҳ қилиш уларни тўғри англаш ва мазмунини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Бу масала қадимдан олимлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб келган. Зеро, муҳаддислар ва фақиҳлар ҳадисларни тўғри шарҳлаш ва уларни жамоатга аниқ ҳамда равшан тарзда етказишга алоҳида эътибор қаратганлар.

Ҳадис илми асослари баён этилган асарлар кўп бўлишига қарамадан, ҳадисларни шарҳлашга бағишланган мустақил илм сифатидаги тадқиқотлар илк даврларда тўлиқ шаклланмаган. Ушбу соҳанинг кейинги даврларда изчил ривожланганини кузатиш мумкин. Жумладан, баъзи ҳолларда ҳадисларни муайян мазҳаб ёки қарашлар доирасида талкин қилишга уринишлар ушбу илмнинг ривожига туртки бўлган. Шу билан бирга, шарҳ ал-ҳадис илми илдизлари қадимга бориб тақалса-да, унинг назарий асослари ва таснифи асосан кейинги давр олимлари томонидан тизимлаштирилган.

Аввал “шарҳ ал-ҳадис” атамасини билиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шарҳ сўзи луғатда очиш, аниқлаш, тушунтириш, изоҳлаш, фаҳмлаш, баён қилиш маъноларини билдиради [11:850].

Бу илм «илм шарҳ ал-ҳадис» («ҳадис шарҳи илми»), «илм фикҳ ал-ҳадис» («ҳадис маъноси илми») ҳамда «илм тафсир ал-ҳадис» («ҳадисни тафсир қилиш илми») ҳам дейилади. Шарҳ ал-ҳадис ёки ҳадис шарҳи – Расулulloҳ (с.а.в.) нинг айтган сўзлари ва амалларини изоҳлаш, баён қилиш ёки тушунтириш ҳисобланади. Бу илмнинг мавзуси Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларидан қўзланган мақсадни араб тили ҳамда шариат усуллари қоидаларга мувофиқ инсон тоқатига мос тарзда баён қилишдир [9:27]. Ибн Манзур эса бундай дейди: «Шарҳ

– кашф қилиш, очиб бериш демакдир. «Фалон киши ўз ишини шарҳ қилди» дейилса, яъни уни ойдинлаштирди, дегани бўлади. Шунингдек, «қийин масалани шарҳ қилди» - уни баён қилди, деган маънони англатади. «Бир нарсани шарҳ қилди» ибораси ҳам уни очди, тушунтирди ва ошкор қилди, деганидир. Ҳар қандай очилган нарса ҳам «машруҳ» дейилади. «Мен ноаниқ нарсани шарҳладим» деган сўз эса «уни тафсир қилиб, тушунтирдим» маъносини билдиради. Бу маъно ҳам гўштни тилишдан олинган» [6:198].

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳадисни шарҳ қилишдан кўзланган мақсад ҳадисга оид масалалар ва унга боғлиқ асосларни билиш, уни тартибга соладиган ҳамда ҳадисларни тушунишга олиб боровчи йўллари аниқлаш, шарҳ қилиш методлари, усуллари, йўллари ва манбалари баён қилинишидир. Шунингдек, унда хато қилиш сабаблари ҳамда унинг умумий шаръий илмлар билан боғлиқ жиҳатлари, айниқса ҳадис илмлари билан алоқаси ўрганилади [9:30]. Шу билан бирга, муҳкам, ихтилофли, носих ва мансук, ҳадисларни ворид бўлиш сабаблари кабиларни кўрсатиб беришидир.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисининг маънолари ва фикҳини билиш – ҳадис соҳаларининг энг асосийларидан бири ҳисобланади. Балки бу илмларнинг самараси ҳам, шариат таянчи ҳам шудир. Ҳадис фикҳини билмаган ва уни англамаган киши ҳақиқий олимлар қаторига қўшилмайди.

Шу сабабли қадимдан олимлар бу масалага катта аҳамият бериб унга алоҳида эътибор қаратиб келадилар ва ўз асарларида бу борада махсус боблар ажратганлар. Жумладан, машҳур муҳаддис, имом Рамҳурмузий (ваф. 360/971 й.) ўзининг «ал-Муҳаддис ал-фосил байн ар-ровий ва-л-войй» асарида «ривоят ва диroyатни жамлашнинг фазилати» деган боб ажратган [8:233-267]. Шунингдек, Ҳоким Найсопурий (ваф. 405/1015 й.) ҳам ўз асарида бу мавзуга боб ажратган [7:246]. Бу икки китобда келтирилган қисқа бўлсада, илмий маълумотлар ушбу соҳада ёзилган илк наҳариялар бўлиши билан бирга, мазкур йўналишдаги кейинги китоблар учун асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ ҳадисни

шарҳлаш масаласи борасидаги қарашлар ҳадис илмига оид барча китобларда ҳам зикр қилинмаган.

Шунингдек, муҳаддис Тийбий (ваф. 743/1342 й.) ҳам ўзининг «ал-Хулоса фи усул ал-ҳадис» асарида уни ҳадис илмлари қаторида зикр этган ва унга «ғариб ал-ҳадис» масаласини ҳам қўшиб, шундай дейди: «Унинг фикҳига келсак, у ҳадисдан истинбот қилинган аҳком ва одобларни ўз ичига олади» [10:62].

Шу билан бирга, Мустафо ибн Абдуллоҳ (ваф. 1657 й.), яъни Ҳожи Халифа номи билан машҳур олим ҳам ўзининг “Кашф аз-зунун” асарида бу илмга ишора қилиб: «Ҳадис шарҳи илми ҳадис илмларининг тармоқларидан биридир», [13:80] деб таъкидлайди.

Мазкур илмнинг илк пайдо бўлиш ва шаклланиш босқичи Расулуллоҳ (с.а.в.), саҳобийлар ва тобиийлар даврига тўғри келади. Чунки айнан шу даврларда ҳадисни ҳадис билан шарҳлаш, саҳобаларнинг сўз ва изохлари орқали тушунтириш, шунингдек, тобиийлар баёнлари воситасида маъноларини очиб бериш каби шарҳ усуллари амалда мавжуд бўлган. Бу эса ҳадис шарҳи илмининг назарий асослари дастлабки ислом даврининг ўзидаёқ шакллана бошлаганини кўрсатади.

Шу билан бирга, ушбу илмнинг вужудга келиши ва тадрижий тараққиёти ҳадиснинг ёзиб борилиши ҳамда тадвин қилиниши жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Яъни, ҳадис шарҳи илмининг ривожини ҳадис ёзуви ва таснифи тарихи билан бир-биридан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу жараён Расулуллоҳ (с.а.в.) давридан бошланиб, кейинчалик ҳадисни ёзиш, жамлаш ва муайян тартиб асосида тасниф қилиш ишлари мукамал босқичга етгунча давом этган.

Маълумки, Расулуллоҳ (с.а.в.), саҳобийлар ва тобиийлар даврида амалга оширилган ёзувлар ҳали мустақил, тартибли ва бобларга ажратилган тасниф шаклида эмас эди. Балки бу ёзувлар, асосан, ҳадисларни сақлаш, ёдда тутиш ва зарурат туғилганда қайта мурожаат қилиш мақсадига хизмат қилган. Кейинчалик табаа тобиийлар даврига келиб, ҳадисларни илмий асосда тасниф қилиш жараёни бошланди. Натижада илм аҳли орасида турли йўналишдаги тасниф ишлари юзага келди: баъзи олимлар Пайғамбар (с.а.в.)нинг муборак сўзларини

жамлашга эътибор қаратган бўлсалар, бошқалар саҳобийларнинг қавл ва осорларини тўплаш билан шуғулландилар [4].

Шу тариқа, ҳадис шарҳи илмининг шаклланиши нафақат ҳадис матнларини англаш эҳтиёжи, балки уларни сақлаш, тартибга солиш ва илмий мерос сифатида кейинги авлодларга етказиш жараёни билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда кечгани намоён бўлади.

Ушбу мавзу доирасида айтиш муҳимки, ҳадисдаги ғариб сўзлар, унинг турли ривоятлари ва ҳадиснинг мушқил жиҳатлари, шунингдек носих ва мансух масалалари ҳақида иккинчи ва ундан кейинги асрларда ёзилган китоблар ҳадис шарҳига яққол таъсир кўрсатган. Чунки улар билан ҳадис шарҳи ўртасида мустаҳкам боғлиқлик мавжуд.

IV/Х аср эса ҳадис шарҳларининг бошланиш даври, илк ривож босқичи ҳисобланади. Бу аср уламолари ушбу соҳанинг эшикларини очиш, масалаларини баён қилиш ва асосларини мустаҳкамлашда сезиларли ҳисса қўшганлар.

Шу билан бирга одамлар Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларидан узоқлашиб, жаҳолат кўпайиб, кишилар орасида бидъат ва бидъат йўллар кўпайганда, турли кишилар ўзининг бузук ақидасини оқлаш учун оят ва ҳадислардан ўз билганларича келтиришни бошлаганларида ҳадисларни шарҳлашга эҳтиёж сезилди, натижада муҳаддислар бу ишга аста-секин киришдилар.

Бу борада Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1071 й.) шундай деган: «Илм илк даврларда – саҳобийлар ва тобейлар замонида – турли туркумларга ажратилиб ёзилмаган, китоблар ва бобларга тартибланмаган эди. Бу ишни улардан кейин келганлар амалга оширдилар. Сўнг эса кейингилар уларга эргашдилар» [16:341].

Юқорида айтилганлар шуни кўрсатадики, ҳадисларни тасниф қилиш тобейлар даврининг охирларида бошланган ва тобейлардан кейинги авлод даврида янги йўналиш олиб, ўзига хос услубда ривожланган. Зеро, бу даврда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадислари тартибли ҳолда жамланди. Баъзан эса бу ҳадисларга саҳобий ва тобейийларнинг сўзлари ҳам, уларнинг фатволари ҳам қўшиб берилди. Шунингдек, ҳадисларнинг фикҳи ва маъноларига доир маълумотлар ҳам киритилди.

Бу орқали фикҳ билан ҳадисни, диroyат (ҳадисни англаш) билан ривоятни бирлаштириш мақсад қилинган эди. Шу жиҳатдан ушбу босқични ҳадис шарҳига оид илк таснифлардан бири, деб баҳолаш мумкин. Гарчи бу ишлар кейинчалик бўлганидек мустақил китоб шаклида алоҳида ёзилмаган бўлса-да.

Дарҳақиқат, Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1071 й.) бу масалага ишора қилганда жуда чиройли баён этган. У ҳадис таснифи икки хил услубда бўлишини таърифлаб, шундай дейди: «Олимлардан баъзилари суннатларни фикҳий аҳкомлар асосида тартиблаб таҳриж асосида тасниф қилишни танлайдилар. Бошқалар эса уларни муснад услубида, яъни бир саҳобийнинг барча ҳадисларини бир жойга жамлаб чиқаришни ихтиёр қиладилар» [1:284]. Мисол қилиб Имом Молик ибн Анаснинг «ал-Муватто» асарини келтириш мумкин. Зеро, у ўша босқичда ёзилган энг улуғ асарлардан бири ва бизгача етиб келганлар орасида энг қадимийси ҳисобланади. Имом Молик (ваф. 179/795 й.) уни фикҳ китоблари ва масалаларига қараб бобларга ажратиш, саҳобий ва тобейийдан келган асарларни ҳам қўшиш асосида тасниф этган. Шунингдек, у кўпинча келтирган ҳадисларига ўз фикри ва изоҳларини ҳам баён қилиб боради. Унинг тартиби ва тадвини ниҳоятда гўзал бўлиб, натижада у «фикҳ ва ҳадис соҳасида илк тадвин сифатида эътироф этилган» асарга айланди [12:449]. Сўнгра бу асарга ёзилган шарҳлар ҳозирги кунгача изчил равишда давом этиб келди. «ал-Муватто» шарҳлари эса ҳадис шарҳларининг илк намунаси ҳисобланиб, уларни авлоддан-авлодга ўтиб келган етук муҳаддислар бирин-кетин ёзиб борганлар [4].

Ушбу мавзу доирасида шуни таъкидлаш муҳимки, ҳадисдаги ғариб сўзлар, ихтилофли ҳадислар ва ҳадисларнинг мушқил жиҳатлари, шунингдек носих ва мансух масалаларига оид, ҳижрий иккинчи (мил. VIII) ва ундан кейинги асрларда, ёзилган китоблар ҳадис шарҳига яққол таъсир кўрсатган. Чунки улар билан ҳадис шарҳи ўртасида мустаҳкам боғлиқлик мавжуд.

Тўртинчи (мил. X) аср эса ҳадис шарҳларининг бошланиш даври ҳисобланади. Бу аср уламолари ушбу соҳанинг эшикларини

очиш, масалаларини баён қилиш ва асосларини мустаҳкамлашда сезиларли ҳисса қўшганлар.

Ҳадисни шарҳи борасида биринчи бўлиб Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари бошлаб берганлар. Унда баъзи сўзларни маъноси ва кўзланган мақсадини очиб берганлар. Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Муфлис (касодга учраган) кимлигини биласизларми?» дедилар. «Бизнинг орамизда касодга учраган – дирҳами ҳам, мол-мулки ҳам йўқ одам», дейишди. «Менинг умматимдан касодга учрагани Қиёмат куни намоз, рўза, закот билан келгану, аммо уни сўккан, буни зинода айблаган, унинг молини еган, бунинг қонини тўккан, буни урган одамдир. Бунисига унинг савобларидан берилади, унисига ҳам унинг савобларидан берилади. Агар зиммасидаги нарса тамом бўлмай туриб унинг савоблари тугаб қолса, уларнинг гуноҳларидан олиниб, бунинг устига юкланади. Сўнгра у дўзахга солинади», дедилар» (имом Муслим ривояти). Бу иш саҳобийлар ва тобиийлар даврида ҳам давом этди ва ҳозирги кунгача келмоқда.

Тадқиқотчилар орасида шу фикр машҳур бўлганки, ҳадис шарҳини илк бор қоғозга туширган ва китоб қилиб ёзган олим имом Хаттобий (ваф. 386/996 й.) ҳисобланади. У «Сунан Абу Довуд» асарига «Маолим ас-сунан», сўнгра «Саҳиҳ Бухорий»ни «Аълам ал-ҳадис» ном билан шарҳ ёзган.

Бу соҳада қалам тебратганлардан яна бири имом Табарий (ваф. 310/923 й.) бўлиб, у «Таҳзиб ал-осор ва тафсил маъони ас-собит ан Расулиллоҳ мин ал-ахбор» номли асарини ёзган. Китоб номидан ҳам кўриниб турибдики, муаллиф унда ҳадислар маъноларини баён қилиш ва уларни изоҳлашни мақсад қилган. Бу асар жуда фойдали ва манфаатли китоблардан бўлиб, имом Табарийдан кейинги кўплаб ҳадис шорихлари бу асардан истифода қилганлар. Айниқса, муҳаддис Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.) ўзининг «Фатҳ ал-Борий» асарида ундан кўп иқтибос келтирган.

Уламолар бу китобни жуда юқори баҳолаб, катта эҳтиром билан тилга олганлар. Ҳатто Хатиб Бағдодий: «Бу маънода унга ўхшаш бошқа китобни кўрмадим», – деган [2:161]. Шунингдек, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Жаъфар Фарғоний (имом Табарийнинг «Тарих» асарига «Зайл» ёзган

олимлардан (ваф. 362/973 й.)) шундай деган: «Бу унинг ажойиб асарларидан бири бўлиб, у уни саҳобалардан Абу Бакр Сиддиқ ривоят қилган саҳиҳ санадли ҳадислардан бошлаган. Ҳар бир ҳадисни санади, иллатлари ва турли йўллари билан таҳлил қилган, сўнгра унинг фикҳий жиҳатларини, уламолар ихтилофини ва уларнинг далилларини, шунингдек маънолари ва ғариб сўзларини баён этган, ҳатто динсизларга раддия ҳам берган. Ундан ўн саҳобий (ашара мубашшара), аҳли байт ва маволийлар муснади ҳамда Ибн Аббос муснадидан бир қисмигина тугалланган, холос. У китобни тугатмасдан вафот этган» [5:273].

Имом Хаттобий эса, «Маолим ас-сунан» асаридан кейин имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ини шарҳлади. Бу асари аввалги асарига тўлдирувчи каби вазифасини ўтади. Буни у китоб мукаддимасида шундай баён қилади: «Мен ушбу китобдаги мушкил ва изоҳ талаб қиладиган ҳадисларни диққат билан кўриб чиқдим. Қарасам, уларнинг баъзилари «Маолим ас-сунан» китобида ҳам зикр қилинган ва у ерда кенг шарҳланган экан. Агар мен бу ерда уларни қайта зикр қилмай, аввалги китобимдаги шарҳга суяниб ўтиб кетсам, бу китобнинг ҳаққини адо қилмаган бўлар эдим. Чунки бир китоб баъзиларга етиб боради, бошқаси эса етмаслиги мумкин. Айримлар бирини хоҳлаб ўқийди, бошқасини эса истамаслиги мумкин.

Агар аввалги китобда келган барча нарсани бу ерда яна қайта келтирсам, бу китобни такрор билан оғирлаштирган бўламан ва ўқувчида малол уйғотаман. Шунинг учун энг тўғри йўл – аввал шарҳланган айрим ҳадисларни бу ерда қисқача келтириш, шу билан бирга уларга янги фойда ёки қўшимча маъно киритишдир. Бу орқали аввалги камчиликлар тўлдирилади. Шундан сўнг, иншоаллоҳ, «Маолим ас-сунан»да келтирилмаган бошқа ҳадисларни ҳам тўлиқ шарҳ қилиб, уларнинг ҳаққини адо этаман» [14:104-105]. Имом Хаттобийнинг бу асари ушбу йўналишда биринчилардан бўлгани борасида кўплаб муҳаддислар ўз фикрларини билдирганлар [3:463-464].

Имом Хаттобийдан кейин ҳадис шарҳлари янада кўпайди. Ҳадис уламолари бу шарафли илм соҳасига алоҳида эътибор қаратдилар. Ҳатто у мустақил бир илм сифатида шаклланди [4]. Муҳаддис олимлар томонидан ҳадисларни

шарҳлаш учун кўплаб ишлар амалга оширилди. Натижада кейинги келаётган авлод учун ҳадисларни тўғри тушириб, амал қилишига ҳамда турли фитна ва ихтилофларнинг олдини олишда катта асос қўйилди.

Ҳадисларни шарҳлаш ҳадис илмининг бошқа соҳаларидан кейинроқ амалга ошганининг баъзи сабаблари қуйидагиларда кўринади:

1. Муҳаддислар аввало ҳадисларни ўзини жамлашга ва қайд этишга эътиборларини қаратганлар;

2. Аввалги муҳаддислар даври Расулulloҳ (с.а.в.)га яқин ҳамда одамлар ҳадисларни тўғри тушунгани ва уларнинг хато қилиши кам бўлгани учун ҳадисларни шарҳлашга ортиқча эҳтиёж тушмаган;

3. Муҳаддис имомлар Расулulloҳ (с.а.в.)нинг сўзлари ёнида бошқанинг гапи бўлишини хоҳламаганлар.

Ибн Ражаб Ҳанбалий (ваф. 795/1393 й.) шундай дейди: «Аммо «иллатли ҳадислар»га бағишланган бобларга келсак, имом Термизийдан бу борада ҳеч ким илгарилаб иш қилганини билмаймиз. Шунингдек, имом Термизий фақиҳларнинг сўзларини ҳам қўшиб келтирган. Бу ишда ундан олдин имом Молик ибн Анас «ал-Муватто» асарида ҳамда Суфён Саврий (ваф. 161/778 й.) «ал-Жомеъ» асарида шундай йўл тутган эдилар.

Бироқ имом Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 780/855 й.) эса бундай усулни ёқтирмаган ва ҳатто ўзининг «ал-Муватто» асарини қайта кўриб чиқишга қарор қилганида, унда келтирилган фикрларни олиб ташлаган. У ҳадис билан бирга ровийнинг шахсий фикрини ёзишни маъқул кўрмаган. Бу йўлни тутганлардан Абу Убайд Қосим ибн Саллом ва бошқаларни танқид қилган. Бироқ имом Аҳмад ғариб ҳадислар борасида юмшоқлик кўрсатган. Чунки аввал бу соҳада Абу Убайд Қосим ибн Саллом китоб ёзган, кейин эса Ибн Қутайба уни кенгайтирган. Имом Аҳмад бу ҳақда: «Бу киши жуда муҳим иш билан шуғулланган», деган [16:345-346].

Имом Хаттобий ўзининг «Ғариб ал-ҳадис» китобининг муқаддимасида шундай дейди: «Расулulloҳ (с.а.в.)дан кейин уч аср ўтгач, ҳадис илмининг атоқли олимлари ҳам ўта бошлади. Замон ўтиши билан унга бегона таъсирлар кириб келди, араб бўлмаганлар

кўпайди, ровийлар сони ортди, ҳадисларни тушунувчилар камайиб, хатолар кўпайди. Уларнинг забони арабчага мослашмай араб тилида хато гапиришга ўрганиб қолди...

Шунда ақл ва заковат эгалари, Расулulloҳ (с.а.в.) суннатига ихлос билан қараган уламолар мусулмонларга насихат қилишни лозим топдилар. Улар ҳадислардаги ғариб (ноёб, тушуниш қийин бўлган) сўзларни жамлашга, унинг ёпиқ маъноларини очиб беришга, мушkil жиҳатларини шарҳлашга ва ровийлар тилларидаги хатоларни тузатишга киришдилар.

Шунингдек, бу илми абадий сақланиб қоладиган китобларда ёзиб қолдиришга аҳд қилдилар. Токи бу китоблар кейингилар учун йўл кўрсатувчи, намуна ва ҳидоят манбаи бўлсин, адашишдан асровчи бўлиб хизмат қилсин» [15:47].

Ибн Ражаб айтади: «Салафлар (Қуръон оятлари ва ҳадислар борасида) билдирган фикрдан кейин вақт ўтиб, муддат узайгач, кейинги уламоларнинг ҳадис ва фикҳ маънолари ҳақидаги сўзлари аввалги салафлар каломига хилоф бўлган қарашлари кўп тарқалди. Шунинг учун салаф уламоларининг сўзларини аниқ белгилаб олиш, уларни жамлаш, ёзиш ва уларга қайтиш лозим, токи шу орқали улардан ривоят қилинган нарсалар билан кейин пайдо бўлган, уларга зид бўлган фикрлар ажралиб турсин. Ҳатто Ибн Маҳдий эса, ҳар бир ҳадисдан кейин унинг тафсирини ёзиб қўймаганига надомат қилган» [16:346].

Муҳаддислар тарафидан амалга оширилган шарҳлар аввалига қисқа бўлган. Буни имом Хаттобийнинг «Маолим ас-сунан» асарида билиш мумкин. Унда ҳадисларни қисқа умумий маъносини шарҳлаб ўтганини кўриш мумкин. Вақт ўтгандан кейин ҳадислар кенгрок шарҳланди. Жумладан, муҳаддис имомлардан Ибн Мулаққин номи билан танилган Абу Ҳафс Умар ибн Али Ансорий (ваф. 804/1401 й.), Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.), Бадруддин Айний (ваф. 855/1451 й.) каби олимлар муҳаддисларнинг асарларига катта шарҳ ёзганлар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ҳадисларни шарҳлаш илми ислом илмлари тизимида

муҳим ва ажралмас ўрин эгаллаган илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳадисларни шарҳлаш Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ўзлари бошлаб берганлар ва у кишидан кейин саҳобий ва тобиийлар давом эттириб ривожлантирганлар. Ҳадис тўпламларини шарҳлаш эса, имом Хаттобийнинг «Сунан Абу Довуд»ни шарҳ қилиш билан бошланган ва у IV/X асрда амалга оширилган.

Шу билан бирга, ҳадисларнинг ғариб лафзлари, мушқил мазмунлари ва турли ривоятлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал этишда мазкур илмнинг ўрни беқиёсдир. Замонавий даврда ҳам ҳадисларни шарҳлаш илми ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, у диний таълим, илмий тадқиқот ва жамиятда соғлом диний тушунчани шакллантиришда муҳим манба сифатида хизмат қилмоқда. Шу боис, мазкур илмни чуқур ўрганиш ва унинг методологик асосларини ривожлантириш бугунги кун илм-фани олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Хатиб Бағдодий. Ал-Жоме ли ахлоқ ар-ровий ва адаб ас-соме. – ар-Риёз: Мактаба ал-Маориф, 1983. – Т. 2.
2. Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2004. – Т. 2.
3. Аҳмад Ботиллий. Ал-Имом ал-Хаттобий ва осорух ал-ҳадисия ва манҳажуху фиҳа. – ар-Риёз: Визора ат-таълим, 1410/1989.
4. Муҳаммад Вофий. https://www.nidaulhind.com/2016/12/blog-post_69.html
5. Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Муассаса Рисола, 1983. – Т. 14.
6. Ибн Манзур. Лисон ал-араб. – Байрут: Дор ихё ат-турок ал-арабий, 1999. – Ж. 5.
7. Ҳоким Найсобурий. Маърифат улум ал-ҳадис ва камия ажнасиҳ. – Байрут: Дор Ибн Ҳазм, 2003.
8. Ромаҳурмузий Ҳасан. ал-Муҳаддис ал-фосил байн ар-ровий ва-л-войий. – Қоҳира: Дор аз-захоир, 2016.
9. Содафий, Бассом. Илм шарҳ ал-ҳадис. – Байрут: Дор ал-муқтабас, 2018.
10. Тибий Ҳусайн. Ал-Хулоса фи усул ал-ҳадис. – Байрут: Олам ал-кутуб, 1985.
11. Ферузободий, Муҳаммад. Ал-Қомус ал-муҳит. – Ал-Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2008.
12. Фосий Муҳаммад Саолибий. Ал-Фикр ас-сомий фи тарих ал-фикҳ ал-исломий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1995. – Т. 1.
13. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. – Байрут: Муассаса ал-Фуркон ли-т-турок ал-исломий, 2021. – Ж. 1.
14. Хаттобий. Аълом ал-ҳадис. – Макка: Жомеа уммал-куро, 1988. – Т. 1.
15. Хаттобий. Ғариб ал-ҳадис. – Димашқ: Дор ал-фикр, 1982. – Т. 1.
16. Ҳанбалий. Ибн Ражаб. Шарҳ илал ат-Термизий. – Зарқо: Мактаба ал-манор, 1987. – Т. 1.